

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Son 6 Jild 4

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 6 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Сайдалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдулаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Ҳавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна - педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна - педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна - педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұхәйё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Хайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна - психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;
Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;
Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – TARIX FANLARI

<i>Naurizbekova Nurlasamat Kudaybergenova</i> TURKISTONDA OILA VA NIKOH MUNOSABATLARINING O'ZIGA XOS JIHATLARI VA ROSSIYA IMPERIYASI BOSQINIDAN KEYIN MINTAQADA YUZ BERGAN DEMOGRAFIK JARAYONLAR	14-22
<i>Ortiqov Yosin Abdulboqiyevich</i> DUNGANSHUNOSLIK TADQIQOTLARI TARIXSHUNOSLIGI (1990-2023)	23-34
<i>Bobojonova Feruza Xajatovna</i> COBET XOKIMIYATI DAVRIDА ҚУЙИ ВА ЎРТА ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ	35-40
<i>Halimov Tal'at</i> XX ASRNING 20-30 YILLARIDAGI QULOQLASHTIRISH SIYOSATI VA UNING SALBIY OQIBATLARI (BUXORO VILOYATI MISOLIDA)	41-45
<i>Ilhomov Ziyorutdin Adxamovich, Shukurov Rustam Jo'raqulovich</i> ALEKSANDR BEKOVICH-CHERKASSKIY EKSPEDITSIYASINING BA'ZI TAFSIOTLARI: EKSPEDITSIYANING BOSHLANISHI	46-54
<i>Tilanova Shahnoza Salohitdinovna</i> MA'RIFATPARVARLARNING MATONATLI AYOLI XAYRINISO MAJIDXONOVA (1905-1937) HAYOTI VA FAOLIYATIGA CHIZGILAR	55-59
<i>Jainarov Obidjon Xamid yufli</i> XX ACP 20-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА АДВОКАТУРА ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (ФАРГОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)	60-64
<i>Toshpo'latov Mamadali Zaynidin o'g'li</i> NUROTA TUMANI YOSHLARINI QO'LLAB-QUVVATLASH YUZASIDAN AMALGA OSHIRILGAN CHORA-TADBIRLARNING TARIXIY TAHLILI (2017-2024)	65-73
<i>Umarov Baxtishod</i> SOMONIYLAR DAVRIDA BUXORODA ILM-FAN RIVOJI (TARIX VA TIBBIYOT MISOLIDA)..	74-79
<i>Jўldoшев Салимжон Валиевич</i> ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ	80-85
<i>Askarov Azimjon Odiljon o'g'li</i> O'RTA OSIYODAGI ANGLIYA-ROSSIYA RAQOBATINING TARIXIY KONTEKSTI VA KATTA O'YIN SIYOSATINING VUJUDGA KELISHI	86-91
<i>Eshchanov Hurmat Matnazarovich</i> O'ZBEKİSTON HUDUDI BRONZA DAVRIDA TOPOGRAFIK XUSUSİYATLARNI ETNIK JARAYONLARI KARTOGRAFIYASI.....	92-95
<i>Azamatova Gulmira Bayirbekovna</i> O'ZEKİSTONDA AHOLI MIGRATSIYASI VA UNGA TA'SIR ETGAN IJTIMOIYIQTISODIY	

OMILLAR	96-100
<i>Raimov Mamasoat Safar o'g'li</i> ESKI TERMIZ HAQIDA TARIXIY MA'LUMOTLAR	101-105
<i>Usmanov Jahongir Xo'jaqulovich</i> MARKAZIY OSIYO TARIXSHUNOSLIGIDA ILK ILMIY QARASHLARNING SHAKLLANISHI	106-109
<i>Usmanova Inobat Ibragimovna</i> PROCESSES OF GEOGRAPHICAL LOCATION OF THE IRON AGE POPULATION OF UZBEKISTAN	110-115
<i>Bekmirzayev Islomjon Ibrohim o'g'li</i> O'RTA G'OVASOY HUDUDI QADIMGI DAVR AHOLI TURAR-JOYLARI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR	116-120
<i>Gadoyev Dadaxon Xayrulloevich</i> BUXORDAGI "MASJIDI BALAND" MASJIDI QURILISHI VA TARIXI	121-125
<i>Rajabova Sabohat Bobirovna</i> IQTISODIY HAYOTDA TADBIRKOR AYOLLARNING TUTGAN O'RNI (SURXONDARYO VILOYATI MISOLIDA)	126-132
<i>Aloxunov Alisher Ahmadjonovich</i> ARXELOGIYADA GEOGRAFIK AXBOROT TIZIMLARIDAN FOYDALANISHNING ASOSIY IMKONIYATLARI XUSUSIDA	133-138
<i>Sharopov Saidusmon Saidaxmadovich</i> XIX ASR OXIRI VA XX ASR BOSHLARIDA BUXORO AMIRLIGINING JANUBISHARQIY HUDUDI SHAHARLARI, XUSUSAN QARSHI, SHAHRISABZ VA KITOB SHAHARLARINI RUS TARIXCHILARI ASARLARIDA YORITILISHI	139-144
<i>Axmedova Gulchehra O'skinovna</i> SHEROBOD VOHASI NOMODDIY MADANIYATI DURDONALARI	145-149
<i>Abduraximov Husniddin</i> O'ZBEKISTON VA AVSTRIYA RESPUBLIKASI O'RTASIDA INVESTITSIYAVIY, HUQUQIY HAMDA ILM-FAN SOHASIDA HAMKORLIKNING MUSTAHKAMLANISHI	150-158
<i>Turopova Mohidil Turdiyevna</i> O'ZBEKISTON JUNUBIY HUDUDLARI TOPONIMIKASINING TABIAT BILAN BOG'LIQLIGI VA URF-ODATLARINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	159-163
<i>Annayeva Zarifa Musurmonqulovna</i> EKOLOGIK HOLATNI BARQARORLASHTIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI	164-168
<i>Ahmadov Xurshid San'atovich</i> "CHIG'ATOY IMLOSI" VA MILLIY ZIYOLILAR	169-175
<i>Axmadova Nafisa Axmad qizi</i> O'ZBEKISTON VA GERMANIYA MADANIY ALOQALARINING RIVOJLANISHI	176-179

<i>Жумаева Шоҳида Чориевна</i>	
МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛANIШИ	180-186
<i>Elmuratova Umida Farxadovna</i>	
TA'LIM IMKONIYATLARINI KENGAYTIRISHNING GENDER TENGLIGINI TA'MINLASHGA TA'SIRI	187-191
<i>Nazarov Otobek Muzrobovich</i>	
XX ASRNING 80-YILLARI QATAG'ONLIK SIYOSATINING SURXONDARYODAGI IJTIMOIY- IQTISODIY JARAYONLARGA TA'SIRI	192-197
<i>Kupaysinov Ismoyiljon Ahmadjanovich</i>	
1950-1990 YILLARDA ANDIJON OBLASTI JAMOAT TRANSPORTI FAOLIYATI VA UNDAGI AYRIM MUAOMMOLARNI MATBUOTDA YORITISHI ("KOMMUNIST" GAZETASI MATERIALLARI MISOLIDA)	198-202
<i>Oripova Laylo Zafarovna</i>	
O'ZBEKİSTON YOZUVCHILAR UYUSHMASI FAOLIYATI TARIXIGA NAZAR	203-207
08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI	
<i>Magsud Azad Guliyev</i>	
OZARBAYJONDA YASHIL ENERGIYAGA O'TISH: SO'ROQ NATIJALARINI TAHLIL QILISH	208-214
<i>Глазова Марина Викторовна</i>	
ВКЛАД «ЗЕЛЕНОГО» УЧЁТА В ФИНАНСОВОМ МЕНЕДЖМЕНТЕ В УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ КОМПАНИЙ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ В УЗБЕКИСТАНЕ: МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЙ АСПЕКТ	215-231
<i>Oramov Jaxongir Jurayevich</i>	
RAQAMLI INNOVATSİYALAR DAVRIDA MOLİYAVİY BARQARORLIKNI BAHOLASHDA EKONOMETRIK MODELLAR	232-238
<i>Шадиева Дилдора Хамидовна</i>	
БАНК СОҲАСИГА РАҶАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАЪСИР	239-243
<i>Umronov Eldorbek Sodirovich</i>	
TURISTIK KORXONALarda TADBIRKORLIK FAOLIYATI RAQOBATBARDOSHligini BAHOLASH	244-255
<i>Sattarov Umirzoq Normengovich</i>	
MINTAQANI BARQAROR RIVOJLANTIRISHDA TRANSFORMATSIYALASH JARAYONI... 256-262	
<i>Хамдамов Шавкат Комилович</i>	
СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА И БОРЬБА С БЕДНОСТЬЮ: СТРАТЕГИИ ФИНАНСИРОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ	263-267
<i>Хайитов Жамшид Холвоевич</i>	
ИҚТИСОДИЁТДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ	268-272
<i>Xurramov Azamat Fayzullayevich</i>	
BOZOR IQTISODIYOTI SHAROITIDA UY XO'JALIGI SEKTORINING O'RNI VA AHAMIYATI	273-278

Алимханова Нигора Алимхановна

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИДА ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ 279-287

09.00.00 – FALSAFA FANLARI

Jumayev Oybek Maratovich

О'zbekistonda kambag'allikni qisqartirish dinamikasining ijtimoiy-siyosiy jihatlari 288-296

Наврӯзова Гулчехра Нигматовна

ХОЖА АҲРОР ТАЪЛИМОТИДА ИНСОНИЙ ҲАҚИҚАТ МАСАЛАСИ 297-302

Хайридинов Аббосхон Анварович

Ғарб маданиятини оммалашишига ички омиллар таъсири 303-311

Муҳамеджанова Лалихон

Ахлоқнинг жамиятдаги трансформацион ва барқарорлаштирувчи функциялари 312-317

To'yeva Muhayyo Shuhrat qizi

О'zbekiston respublikasining yangilanish jarayonida xotinqizlar innovatsion tafakkurini oshirish va faollashuvi borasidagi siyosati: umumnazariy tahlillar 318-322

Ro'zimurodov Siroj Madatovich

O'ilaning ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarni shakllantirishda ma'naviy-axloqiy tarbiyaning ta'siri 323-326

Ravshanov Ulug'bek Rahbarovich

Axborot globallashuvi sharoitida yoshlarda milliy o'zlikni tarbiyalash masalalari 327-332

Allayarova Marxabo Mavlanovna

Shaxs badiiy ijodini shakllantirishning estetik muammolari va ma'naviyat 333-337

Хашимов Шерахон Жўрахонович

Ўзбекистон халқаро имиджининг юксалишида тиббиёт туризмининг тутган ўрни 338-342

Soatov Rasul Muxitdinovich

Boborahim mashrab hayoti va ijodida tasavvufga doir qarashlar tahlili 343-348

Ashurov Navfal Burxonjon o'g'li

Movarounnahr miqyosida nasaf shahrining ilmiy-madaniy asoslari 349-352

Ўразалиева Гулшада Бекпўлатовна

Гендер тенгликни таъминлаш - янги ўзбекистон стратегиясининг устувор йўналиши 353-358

Xudaynazarov Samad Xudayberdiyevich, Turgunov Azim Turgunovich

Jamiyatning ma'naviy - ijtimoiy rivojlanishida o'zbek xalqi milliy qadriyatlarning o'rni 359-364

Suvanov Ilhom Abdixalilovich

AXBOROT-MAFKURAVIY TAHDIDLARGA QARSHI KURASHDA MILLATLARARO TOTUVLIK VA
DINIY BAG'RIKENGLIKNI TA'MINLASHNING AHAMIYATI 365-371

Axmedova Dilrabo Sa'dullayevna

SHARQ ALLOMALARI ASARLARIDA OILA VA TARBIYA MASALALARI 372-376

Kayumova Aziza Toshmuradovna

IBN XALDUNNING JAMIYAT VA IJTIMOIY TARAQQIYOT TO'G'RISIDAGI
QARASHLARI 377-381

G'ulomov Obid G'ayratovich

YOSHLAR MA'NAVIY KAMOLOTIGA TA'SIR ETUVCHI IJTIMOIY-MADANIY OMILLARNING
O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI 382-385

Панжиев Суҳроб

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ФОЯВИЙ ТАҲДИДЛАР ДАВРИДА ҲАҚИҚАТ ТУШУНЧАСИНИНГ
АҲАМИЯТИ 386-391

Matnazarova Muhayyo Axmetjanovna, Azimova Charos Azamatovna

"ETNOS", "MILLAT" TUSHUNCHALARINING MAZMUN-MOHİYATI VA ULARNING ILMIY-
NAZARIY TAHLILI 392-398

Amanov Alisher Kaxramonovich

VAQTNI ILMIY JIHATDAN TAHLIL QILISH HAMDA UNI FALSAFIY VA MADANIY NUQTAI
NAZARDAN O'RGANISH 399-404

10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI

Пайзибаева Мадинахон Собиржон қизи

БРИТАНИЯ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА КЕЛЬТ МИФОЛОГИЯСИНИНГ
ТАЪСИРИ ВА ЎРНИ 405-409

Tevosyan Gayane Arturovna

O'ZBEK VA RUS TILI GRAMMATIKASINING QIYOSIY TIPOLOGIYASI 410-417

Boynazarov Islom Abduxalimovich

INGLIZ TILIDAGI FALSAFIY TERMINLARDA SINONIMIYA HODISASI 418-421

Bahriiddinova Yulduzxon Bahriiddin qizi

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI BOTANIK TERMINLARNING NOMINATIV TAHLILI VA BINAR
NOMLANISHI 422-426

Javliyev Mansurbek Odil o'g'li

KONSEPT TUSHUNCHASINING HOZIRGI ZAMON LINGVISTIKASIDA TUTGAN O'RNI VA
AHAMIYATI 427-431

Ruziyev Xusniddin Baxritdinovich

PARALLEL KORPUSLARDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI 432-436

Rahimova Shahnoza Palvannozirovna

INGLIZ TILIDAGI IBORALARNI O'RGANISHDA TARJIMA MUAMMOLARI 437-442

Muhamadiyev Timur Urazovich

INGLIZ TILIDAGI OAVDA OMMAVIYLASHMAGAN IBORALARDAN FOYDALANISH 443-446

<i>Панжиева Насиба Нармахматовна</i>	
ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СЕМАНТИЧЕСКОГО ПОЛЯ	447-451
<i>Умирова Дилфузада Суюновна, Асадов Шухрат</i>	
ОБРАЗОВАНИЕ ЯВЛЯЕТСЯ НЕОТЪЕМЛЕМОЙ И НЕПРЕРЫВНОЙ ЧАСТЬЮ ПРАВ И ИНТЕРЕСОВ ЧЕЛОВЕКА	452-456
<i>Ибрагимова Мохира Муратовна</i>	
ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ПСИХОЛОГИЗМ И ЕГО ФУНКЦИИ В ТВОРЧЕСТВЕ ВИРДЖИНИИ ВУЛЬФ	457-464
<i>Тойчиева Насибахон Суранбаевна, Ткебучава Ирина Георгиевна, Темирова Шоира Гайбуллаевна</i>	
АКТУАЛЬНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ ЛИНГВИСТИКИ	465-477
<i>Nurimova Diyora</i>	
LIRIK DISKURS VA UNING MOHIYATI	478-482
<i>Axmadjonova Mohinur Iqboljon qizi</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK TILIDA NUTQ AKTLARINING SEMANTIK TUZILISH TAHЛИLI	483-491
<i>Jumanazarov Shukurali Tashmamatovich</i>	
KORPUS TUZISH TEKNOLOGIYASI.....	492-495
<i>Samadova Oydin Ilxomjon qizi</i>	
FRAZEОLOGIK BIRLIK TUSHUNCHASI HAMDA UNING QO'LLANILISHI	496-500
<i>Xamrayeva Rano Rajabovna</i>	
XX ASR INGLIZ ILMIY FANTASTIKASINI TARJIMA QILISH XUSUSIYATLARI	501-505
<i>Ermatov Ixtiyor, Mamatqulov Azizbek</i>	
A.HOJIYEVNING TERMINOLOGIK LUG'ATLARI XUSUSIDA	506-510
<i>Muxtorova Moxlaroyim</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA TANBEH BERISHNI BILDIRUVCHI BIRLIKLARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	511-517
<i>Abdullahayeva Nilufar Ramazonovna, Aliqulova Rohila</i>	
O'SIMLIK NOMLARI BILAN BOG'LIQ TARBIYAGA OID MAQOL VA MATALLARNING CHOG'ISHTIRMA TAHЛИLI	518-521
<i>Носирова Мубина Олимовна</i>	
СПЕЦИФИКА ОТРАЖЕНИЯ АНТРОПОЦЕНТРИЧЕСКИХ ПОСЛОВИЦ В СЛОВАРЯХ РАЗНОСИСТЕМНЫХ ЯЗЫКОВ	522-528
<i>Xasanov Zafar Baxtiyorovich</i>	
ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKDA SPORT ATAMALARINI O'RGANISHNING NAZARIY ASOSLARI	529-534
<i>Рахматов Бекзод Уктам угли</i>	
СОЦИАЛЬНО-ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ ПОНЯТИЯ «УЧИТЕЛЬ»	535-539

Yaxyoyev Fayzullo muhammadsoli o'g'li
 XX ASRNING IKKINCHI YARMIDA ALISHER NAVOIY LIRIKASIGA DOIR MATNSHUNOSLIK
 BILAN BOG'LIQ TALQINLAR..... 540-546

Otajonova Dildor Baxtiyarovna
 KORPUS TURLARINING LINVISTIKA SOHASINI TARAQQIY ETTIRISHDAGI
 AHAMIYATI 547-551

12.00.00 – YURIDIK FANLAR

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович
 МА'НЯВИЙ ЗИЁН КОМПЕНСАЦИЯСИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА
 АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ 552-559

Fayzullayev Aslbek Ulug'bek o'g'li
 MULKNI QASDDAN NOBUD QILISH YOKI UNGA ZARAR YETKAZISH UCHUN JINOIY
 JAVOBGARLIKNI TAKOMILLASHTIRISHNING AYRIM MASALALARI 560-564

Элмуродов Ҳусан Элмуродович
 МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ЎҚУВДАН ҲАМДА БИЛИМ ВА
 КЎНИКМАЛАРИ ТЕКШИРУВДАН ЎТМАГАНДА ИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ 565-572

Аслонова Лайло Олимовна
 ИЛМИЙ ХОДИМЛАР ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ АЙРИМ
 МАСАЛАЛАРИ 573-583

Файзиева Гулрух Мухаммади кизи
 НЕКОТОРЫЕ ПОНЯТИЯ В СФЕРЕ ГАРАНТИИ ПРАВО НЕПРИКОСНОВЕННОСТИ
 ЖИЛИЩА 584-588

Ибрагимова Сабина Эркиновна
 К ВОПРОСУ О СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ МЕХАНИЗМОВ В СФЕРЕ
 ДОСУДЕБНОГО УГОЛОВНОГО ПРОИЗВОДСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН..... 589-593

Tosheva Maftuna Anvar qizi
 AXLOQQA QARSHI JINOYAT-HUQUQIY JIHATLARI 594-600

Халилов Дониёр Нортажиевич
 КОНСТИТУЦИОННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПРАВ И
 СВОБОД В СОЦИАЛЬНОМ ГОСУДАРСТВЕ 601-607

Файзуллаева Нигорахон Равшановна
 МЕЖДУНАРОДНЫЕ ДОГОВОРЫ В СИСТЕМЕ МЕЖДУНАРОДНОГО
 КУЛЬТУРНОГО ПРАВА 608-618

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

Saydillayeva Mehrinaz Bahodir qizi
 OLIY TA'LIM TIZIMIDA TA'LIM DASTURLARINI LOYIHALASHTIRISH ASOSIDA PEDAGOGIK
 TA'LIM METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH ASOSLARI 619-626

Ubaydullaeva Jamila Hurramovna
 DARS TURLARI VA DARSNI REJALASHTIRISHGA NISBATAN YONDOSHUVLAR 627-631

<i>Ro'ziyeva Nazira Yodgorovna, Panjieva O'g'ilshod Baxodir qizi, Jo'raev Baxodir Norbo'tayevich</i>	
О'QUVCHILARGA TABIATNI ASRASH VA EZOZLASHNI "YASHIL MAKON" MILLIY	
TEXNOLOGIYA LOYIHASI ASOSIDA AMALIY ANJUMANLAR ORQALI OLIB BORISH 632-640	
 <i>Юлдошев Рустам Дилюшод угли</i>	
РОЛЬ ПРАГМАТИЧЕСКИХ КОМПЕТЕНЦИЙ В ИЗУЧЕНИИ ЯЗЫКА И КОММУНИКАТИВНОМ	
ПРОЦЕССЕ 641-645	
 <i>Razzakov Baxrom Abdug'afurovich</i>	
BO'LAJAK MUHANDISLAR UCHUN OG'ZAKI MULOQOT KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH:	
INGLIZ TILI DARSLARIDA TRANSPORT TERMINOLOGIYASINI	
O'RGANISHGA MISOLIDA..... 646-650	
 <i>Salimova Shahlo Sayfulloyevna</i>	
TA'LIM TIZIMIDA XAVFSIZ MUHITNI YARATISH MUAMMO VA ISTIQBOLLARI	651-656
 <i>Kuchkarova Arofathon</i>	
MATEMATIKA DARSLARIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH	
(GEOGEBRA DASTURI MISOLIDA) 657-661	
 <i>Radjabova Gulnoza Giyosiddinovna</i>	
YOZISH BO'YICHA KO'RSATMALARNI TAKOMILLASHTIRISHDA ZAMONAVIY AMERIKA	
INGLIZ TILI KORPUSINING (COCA) ROLI 662-669	
 <i>Sharifov Muxriddin Kamoladdin o'g'li</i>	
PROFESSIONAL TA'LIM MUASSASALARIDA MAXSUS FANLARNI O'QITISH	
ISTIQBOLLARI 670-675	
 <i>Saidova Surayyo Yarqulovna</i>	
NOFILOLOGIK TA'LIM YO'NALISHI TALABALARI O'QISH KOMPETENSIYASINI	
RIVOJLANTIRISHDA SOHAVIY MATNLAR XUSUSIYATLARI VA MATN TANLASH	
TAMOYILLARI 676-686	
 <i>Djalolov Furqat Fattohovich</i>	
UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA INGLIZ TILI TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH	
VA SIFATINI YAXSHILASH YO'LLARI 687-691	
 <i>Niyazova Minara Baxramovna</i>	
TEXNIKA OLIY O'QUV YURTLARIDA TALABALARNI FRANSUZ TILIGA QIZIQTIRISHNING	
O'ZIGA XOS JIHATLARI..... 692-697	
 <i>Amrillayev Husniddin Ashrab o'g'li</i>	
OLIY TA'LIMDA VIRTUAL LABORATORIYALARDAN O'QUV JARAYONIDA FOYDALANISHNING	
PEDAGOGIK JIHATLARI 698-702	
 <i>Boboyeva Zarifa Jahonqulovna</i>	
SPORT TAYYORGARLIK JARAYONLARINING ADAPTIV MEXANIZMLARI..... 703-708	
 <i>O'rozov Shahobiddin Ziyadullayevich</i>	
AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRIDA DAVLATNI BOSHQARISH TAMOYILLARI.... 709-713	
 <i>Muxtshamova Parvina Zahitovna</i>	
ESL DARSLARIDA HAQIQIY MATERIALLARDAN FOYDALANISH	714-716

12.00.00-YURIDIK FANLAR – LAW**Received:** 20 May 2024**Accepted:** 30 May 2024**Published:** 19 June 2024*Article / Original Paper***THEORETICAL AND PRACTICAL ISSUES OF DETERMINING THE EXTENT OF COMPENSATION FOR MORAL HARM****Hamrokulov Bahodir Mamasharifovich**

Professor at the University of World Economy and Diplomacy, Doctor of Law

Abstract. This article discusses theoretical and practical issues related to determining the amount of compensation for non-pecuniary damage in the Republic of Uzbekistan and some foreign countries. Based on the findings of the study, reasonable proposals were made to improve national legislation.

Key words: moral damage, compensation, mental suffering, physical pain, quantity, rationality, fairness, material condition.

МАЪНАВИЙ ЗИЁН КОМПЕНСАЦИЯСИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия универстити профессори, ю.ф.д.

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси ва айрим хорижий давлатларда маънавий зиён компенсацияси миқдорини аниқлаш билан боғлиқ назарий ва амалий масалалари ўрганилган. Тадқиқот натижасида олинган хуласаларга асосланиб, миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан асосланган таклифлар берилди.

Таянч сўзлар: маънавий зиён, товоң, руҳий азоб, жисмоний оғриқ, миқдор, оқилоналиқ, адолатлилик, моддий ҳолати.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I6Y2024N86>

Маънавий зиён компенсацияси миқдорини аниқлаш масаласи ҳозирги кунда цивилист ҳуқуқшунослар олдида турган асосий муаммолардан биридир. Ушбу муносабатлар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўлиқ ўз ечимини топмаган. Маънавий зиён компенсациясини тартибга солишга қаратилган нормаларда унинг миқдори белгилаб берилмаган бу ваколат судларга берилган. Фикримизча, бундай қилинишига сабаб маънавий зиён - субъектив ва индивидуал характерга эгалиги, унинг миқдорини белгилаш кўп омилларга боғлиқ бўлганлигидир.

Маънавий зиённи ундириш фуқаролар учун ҳам асоссиз бойлик орттириш манбаси бўлиши керак эмас. Қонунчиликда маънавий зиён компенсацияси миқдорининг чегаралари кўрсатилмаганлиги натижасида даъвогарлар ҳам ариза беришда судлардан аниқ асосланмаган суммаларни жавобгардан ундириб беришни талаб қилишмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексидан ташқари бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларда маънавий зиён миқдори белгилаб берилмаган бўлсада, бироқ уларда судлар етказилган маънавий зиённи баҳолашда эътиборга олишлари лозим бўлган мезонлар келтирилган. Ушбу мезонлар Фуқаролик кодекси 1022-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сон қарорининг 13-бандида белгиланган.

Маънавий зиён миқдорини белгилаш мезонларига тўхталадиган бўлсак, даъвогарга етказилган маънавий ва жисмоний азобларнинг даражасини кўрсатувчи объектив маълумотлар муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатига асосан азоб деганда “қийналиш”, “уқубат”, “жисмоний ёки руҳий қийноқ”[1], жисман ёки руҳан озор бермоқ, азият етказмоқ, азоб-уқубатга, қийин аҳволга солмоқ[2] тушунилади. Азоблар (қийноқлар) инсонинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий фаолияти натижасида ҳосил бўлиши мумкин.

Жисмоний азоблар фуқаронинг соғлиғига зарап етказилиши, қийноққа солиниши ёки бошқа ташқи куч таъсирида шахснинг танасига етказилган ҳар қандай зарар натижасида келиб чиқиши мумкин. Маънавий азоб эса фуқарога қарши содир этилган хуқуқбузарлик унинг руҳиятига, онгига таъсир этиши билан руҳий қайғуриши оқибатида юзага келади. Фикримизча, Маънавий азоблар инсон руҳияти билан боғлиқ бўлганлиги сабабли “руҳий азоб” жумласи қўлланса мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисоблаймиз. Сабаби “руҳий” сўзи кишининг руҳига, руҳий кайфиятига, ички кечинмаларига оид, улар билан боғлиқ тушунчадир[3].

Руҳий (маънавий) азобни фуқаро онгига, руҳиятида ўтказиши, кечириши керак бўлади. Бу психологик жараён ҳисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “кечинма” дейилганда “кишининг руҳий ҳолатига таъсир қиласидиган ҳис-туйғулар, уй-ҳаёллар” тушунилади[4]. Шундан келиб чиқиб, руҳий кечинмалар деганда инсон психикасида ҳосил бўлган ва маълум психик реакцияга олиб келувчи салбий ҳисларни тушуниш керак. Психологик зарап етказилганида инсон учун нормал реакция салбий ҳисларнинг (туйғуларнинг) пайдо бўлиши ҳисобланади. Шу боис руҳий (маънавий) азоблар дейилганда инсонга қарши ноқонуний ҳаракатлар содир этилиши натижасида бошидан кечирадиган психик салбий ҳолатларни тушуниш керак бўлади. Улар камситилиш, ғазаблантириш, нафрат, уят, умидсизлик, заифлик, ноқулайлик ва ҳоказо ҳисларида ифодаланади.

Руҳий қийноқларнинг характеристи маънавий зиённи баҳолаш учун муҳим аҳамияга эга бўлади. Судда ишни қўришда қийноқлар кучи ва давомийлиги, жабрланувчи ҳаётини йўқотиш даражаси, унинг индивидуал ўзига хосликлари ва зарар етказилишининг ҳолатларини ҳисобга олиш керак. Шахсга руҳий азоблар етказилиши натижасида содир этилган объектнинг аҳамиятлилигига қараб унда психологик реакция сифатида ё оддий ҳис, ёки шахсий комплекс, ёки нерв бузилиши, ёки психик касаллик пайдо бўлиши мумкин.

Ушбу ҳолатда маънавий зиён миқдорини аниқлашда суд олдида жиддий муаммо пайдо бўлади. Бу даъвогар ва аризачининг бошидан кечирган руҳий (маънавий) азобларини текшириш ва ҳақиқатдан ҳам бундай қайғуриш бўлганлигини аниқлаш муаммосидир. Ушбу масалани ечиш учун суд замонавий психологик диагностика,

психик ҳолатлар тизими, инсоннинг муҳит билан оддий ва кескин ҳолатларда таъсирашув қонуниятларида умумий тушунчаларга эга бўлиши, одам ахлоқининг шахсий ўзига хосликлари ва бошқа масалаларни тушуниши керак. Бироқ амалиётда маънавий зиён миқдорини белгилашда судларда турлича ёндашувларни кузатиш мумкин.

Маънавий зиён миқдори белгилашда айрим мутахассисларнинг қонун нормаларини кишининг руҳий ҳолатига қўллашда муайян қийинчиликларга дуч келаётганлигидан келиб чиқиб, мазкур масала юзасидан психолог ёрдамидан фойдаланишни тавсия этиш ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда суд-психологик экспертизаси тайинлашга оид қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай амалиёт ҳозирги кунда Беларусь ва Тоҷикистон Республикасида қўлланилади. Республикамиз судлари амалиётда бундай ҳукуқдан фойдаланилмайди. Назаримизда, экспертиза тайинлаш амалиётини республикамиз судлари ҳам қўлласа мақсадга мувофиқ бўларди. Бу ўз навбатида суд қарорларини асослантирган бўлишига олиб келарди. Экспертиза тайинланиши маънавий зиён миқдорини аниқлаб бермасада, лекин жабрланувчи ҳақиқатдан ҳам ўз бошидан маънавий (руҳий) азобларни кечирганлик фактини тасдиқлаб берган бўларди.

Маънавий зиён миқдорини белгилашда ҳисобга олинадиган кейинги мезон бу тажовуз қилинган объектнинг ҳаёт учун муҳимлиги ва фойдалилиги даражасидир. Ушбу ҳолатда судлар маънавий зиён етказилган объектнинг фуқаро ҳаёти учун қанчалик муҳимлиги ва фойдасини ҳисобга олиши керак. Фуқаронинг соғлиғига зарар етказилиши, айтайлик унга жисмоний зарар етказиши оқибатида кўриш қобилиятидан маҳрум бўлиши натижасидаги маънавий қайғуриши, жабрланувчининг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи маълумотлар тарқатилиши натижасида етказилган маънавий зиёнга нисбатан оғир кечади. Шу сабабли судья ишни кўраётганда, маънавий зиён миқдорини белгилашда албатта ушбу ҳолатларни эътиборга олиши керак бўлади. Бироқ мазкур ҳолатларда ҳам судларда масалага турлича ёндашиш ҳолатлари учрайди. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2023 йилдаги ажрими билан биринчи инстанция суди томонидан ундирилган 50 000 000 сўм миқдордаги маънавий зиён 15 000 000 сўмга камайтирилган. Бунда жавобгар “Н” автомашинани бошқара туриб “Ж”ни уриб юбориши натижасида унинг соғлиғига шикаст етказган ва унинг ўнг қўлига протез қўйдирилган. Ажримда маънавий зиён миқдорини камайтириш борасида ўз қарорини апелляция инстанцияси қўйидагича асослайди: “Ж” умумий олганда саломат, мустақил ҳаракатлана олади, расман ишлайди, сифатли протез қўйдирганидан сўнг ўнг қўли ҳам маълум ҳаракатларни бажара олади, ўз навбатида жавобгар қасдан жиноят содир этмаган, йўл транспорт ҳодисаси натижасида даъвогарга зарар етказган, шу сабабли кассация инстанцияси адолатлилик ва оқилоналилк талабларини кўллаб, маънавий зиённи 15.000.000 сўм миқдорида қоплашни лозим топади[5].

Маънавий зиён миқдори белгилашдаги яна бир мезон ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва оқибати. Ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулки ва ҳ.к.) ва айбнинг шакллари билан белгиланади. Ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир

этилиши ҳолатлари, яъни ҳуқуқбузарлик содр этиш усули, келиб чиққан оқибатлар, уларнинг қанчалик оғирлиги билан белгиланади.

Ҳуқуқбузарлик қанчалик оғир даражада содир этилган бўлса, унинг оқибатлари ҳам кўпроқ салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳуқуқбузарликнинг оғир оқибатга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга жабрланувчининг яқин қариндошларининг ўлдирилиши, ногиронликка олиб келадиган тан жароҳати етказилиши, озодликдан маҳрум қилиш, номусига тегиши, тураг жойдан ёки бошқалардан маҳрум қилиш ва бошқа ҳолатларни киритиш мумкин. Судлар маънавий зиён миқдорини белгилашда ҳуқуқбузарлик қандай содир этилганлиги ва унинг оқибатлари нималарга олиб келганлигини ҳисобга олишлари лозим бўлади.

Жабрланувчининг шахсий хусусиятларини инобатга олиш, бизнинг фикримизча, маънавий зиён компенсацияси миқдорини белгилашда асосий мезон бўлиб қолмоғи керак. Фуқаронинг шахсий хусусияти, унинг ўзига хослигини, алоҳидалигини англатувчи тушунча. Жабрланувчининг шахсий хусусиятига жинси, ёши, ижтимоий ҳолати, ижтимоий обрўси, унинг оиласвий ҳолати, обрўси, қариндошлик муносабатлари, яшаш шароитлари, ахлоқий кўникмалари, соғлиги, соғлигининг психик ҳолати, характеристи, болалари борлиги, зиёлиги, ногиронлиги, ақлий қобилияtlари, темперамент ва характеристер тури, қандайдир ижтимоий гурӯҳ аъзоси сифатида инсонга хос индивидуал ўзига хосликлар, машҳурлик, етимлиги, келиб чиқиши, ижтимоий ўрни, дини, ташқи маълумотлари, туғма касалликлари, меҳнат фаолиятининг тури, мансаби, фарзандли бўла олмаслиги, никоҳдаги ҳолати, қарамоғида бўлган шахслар сони, вояга етмаган болалар, қариялар, таълими, миллати, иш жойи, мансаби, маошининг миқдори, судланганлиги, соғлигининг ҳолати, ҳомиладор, сурункали касалликка эгалиги, психик тўлиқ ривожланмаганлиги ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Судлар заарар миқдорини белгилашда бу омилларни ҳисобга олишлари лозим.

Заарар етказувчи шахснинг моддий аҳволи ҳам маънавий зиён миқдорини белгилашда ҳисобга олинадиган омиллардан биридир. Фуқаролик кодексининг 1004-моддаси охирги бандида суд фуқаро томонидан етказилган заарарни миқдорини, унинг мулкий ҳолатини ҳисобга олиб, камайтириши мумкин, заарар қасдан қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли етказилган ҳоллар бундан мустасноли белгиланган. Заарарнинг миқдори адолатли бўлиши ва айборни моддий ҳолатини қийинлаштириб қолдириши керак эмас. Оддий заводда ишловчи ходимга, хақорат қилганлиги натижасида жабрланувчига етказилган маънавий зиённи миқдори юз миллион қилиб белгиланиши адолатдан бўлмаса керак.

Судлар томонидан маънавий зиён миқдорини белгилашда оқилоналик ва адолатлилик талабларини эътиборга олишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлган омил ҳисобланади. Конун чиқарувчи органнинг фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида институти бўлган маънавий зиён компенсациясига нисбатан бу талабни қўллаши ғайритабиий ва ҳатто қизиқ ҳолатдир. Чунки фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган бошқа муносабатларда судларга қарор қабул қилишда алоҳида талаблар мавжуд эмас. Фуқаролик ҳуқуқий институтларидан бўлган маънавий зиён компенсацияси миқдорини аниқлашда судларга алоҳида оқилоналик ва адолатлилик талабларига амал қилиши ўз-ўзидан ўрнатилган эмас[6]. Бунга асосий сабаб азобнинг даражасини аниқ

белгилашнинг имконияти йўқлигида ҳамда азоб миқдорини пул билан ўлчашнинг ғоят мураккаблигидадир.

О.Оқюлов оқилоналиқ ваadolатлилик хусусида белгиланган товон пули миқдорининг ҳуқуқбузарнинг мулкий ҳолатига, унинг имкониятларига қай даражада мослиги нуқтаи назаридан талқин этиш мақсадга мувофиқлигини,adolatлилик эса товон пули миқдорини белгилашда унинг маънавий зиён ҳажмига, оқибатларига мутаносиблиги, жабрланувчига нисбатан компенсация (қоплаш) функциясини бажара олиш хусусиятларида намоён бўлишини таъкидлайди[7]. Оқилоналиқ ваadolatлилик талаблари маънавий зиён компенсациясида жабрланувчининг шахсини, зарар етказишнинг аниқ ҳолатлари ва эътиборга молик бошқа барча омилларни ҳисобга олиб, у бошидан кечирганларининг ҳажми ва характеристига мос пул суммасини аниқлашни назарда тутади.

Оқилоналиқ талаблари қабул қилинган қарорнинг “мантиқий, мақсадга мувофиқлигини”, яъни товон суммаси ишда мавжуд барча ҳолат ва исботлар инобатга олинib белгиланганлигини билдиради. Adolatлилик талаблари “қабул қилинган қарорнинг холислиги, ҳақлиги ва тўғрилигини” кўзда тутади.

Хорижий ҳуқуқшунос олимлар томонидан маънавий зиён компенсацияси миқдорини белгилашда таклиф этилаётган методлардан бири А.Эрделевский томонидан ишлаб чиқилган[8]. А.М.Эрделевский томонидан таклиф этилган услуб (метод) хусусида шуни айтиш мумкинки, бу услуб анча мураккаб, ўзига хос камчиликларга ва қарама-қаршиликларга эга. Мазкур усулда муаллиф ўртacha ойлик иш ҳақи сифатида энг кам ойлик иш ҳақи (ЭКИҲ)нинг 6 баравари мезонидан келиб чиқади ва маънавий ва жисмоний азоблар даражасидан келиб чиқиб ЭКИҲнинг 10 йиллик ўртacha иш ҳақининг миқдори 720 ЭКИҲ деб олинади. Бунда ушбу базис даражасини ва Жиноят кодекси моддалари санкцияси максимал миқдорининг нисбатини ҳисобга олиб, А.М.Эрделевский шахснинг номоддий неъматларига турли тажовузларга қўлланиладиган тахминий маънавий зиённи қоплаш миқдори жадвалини ишлаб чиқади.

Маънавий зиён миқдорини аниқлашда қўлланадиган кейинги методика Россиялик иқтисодчи олим В.И.Кашин томонидан ишлаб чиқилган[9]. Кашин таклиф қилган етказилган маънавий зиённи ҳисоблаш методикаси, аслида, “соғлиқ ва инсон капитали ресурсларининг йўқотилиши”ни баҳолашдан иборат. “Соғлиқ ресурслари” тушунчаси, яъни “яшаш, меҳнат қилиш ва мақсадларга эришиш қобилияти” тушунчаси киритилади. Унинг фикрича, соғлиқ иқтисоднинг энг муҳим ресурси ҳисобланади, қолган барча қадриятлар фақат соғлиқ борлиги ва сарфланиши туфайли яратилади. Муаллиф соғлиқни баҳолаш учун “даромад ёндашуви”га ўтади, унинг асосида - соғлиқ ресурслари қадрининг келажакда улардан фойдаланиб келадиган даромадлар билан боғлиқ деб ҳисоблайди.

Россия юристлар ассоциацияси ҳузуридаги маънавий зиён учун компенсация миқдорини аниқлаш масалалари бўйича комиссияси 2020 йил 3 марта “Инсоннинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига тажовуз қилинганида етказилган маънавий зиён учун компенсация миқдорини белгилаш бўйича методик тавсиялар” ишлаб чиқсан. Унда маънавий зиён етказилиши тўрт турга ажратилган, яъни, соғлиқни вақтинча йўқотилиши, доимий йўқотилиши, инсоннинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний

дахлсизлигига тажовуз қилиниши, яқин қариндошининг йўқотилиши. Мазкур турларга тегишли тартибда маънавий зиённинг миқдорини аниқлаш бўйича мезонлар белгиланган бўлиб, булар жумласига жисмоний шахснинг индивидуал ўзига хос хусусиятлари, зарар етказувчининг айби даражаси ва иш ҳолатининг муҳим жиҳатлари ишлаб чиқилган[10].

Айрим хорижий давлатлар қонунчилигига маънавий зиён компенсациясига оид қоидалар белгиланганлигига узоқ йиллар бўлганига қарамасдан, унинг миқдорини аниқлаш ҳозирга қадар мавхумлигича қолмоқда. Масалан, АҚШ қонунчилигига маънавий зиённи назарда тутилганлигига юз йилдан ортиқ бўлган бўлсада, унинг миқдорини аниқлаш юзасидан аниқ, ягона белгиланган ҳужжат мавжуд эмас. АҚШда маънавий зиён миқдорини белгилаш судлар ихтиёрига берилган. Ушбу давлатда преидент ҳуқуқи амал қилганлиги сабабли судлар маънавий зиён компенсацияси миқдорини аниқлашларида илгари ҳудди шундай мазмундаги қабул қилинган қарорда белгиланган миқдорни асос қилиб оладилар. Товоң миқдорини аниқлашга нисбатан ёндашувлар ҳар бир штат қонунчилигидан келиб чиқиб фарқланади. Бунда тоғон миқдори ўртасидаги фарқ сезиларли даражада белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Австрия қонунчилигига маънавий зиённинг аниқ миқдори белгиланмаган. Бироқ, Австрияда шаклланган суд амалиётига кўра етказилган тан жароҳатлари учун оғирлик даражасидан келиб чиқиб, соғлиқ тикланишининг ҳар бир куни учун 100 евродан 300 еврогача маънавий зиён қоплаш миқдори ҳисобланади.

Германия қонунчилигига ҳам маънавий зиённи қоплашнинг аниқ миқдор белгиланмаган. Бироқ, қонунда судлар маънавий зиённи қоплаш миқдорини аниқлашда илгари судда кўрилган вазиятлардан келиб чиқиши белгиланган.

Буюк Британияда етказилган маънавий зиён учун минимал “тариф сеткаси” амал қиласиди. Товоң пулининг миқдори маънавий азобларнинг давом этиш муддатига боғлиқ. Маънавий азоблар деганда меҳнат лаёқатининг пасайиши, ижтимоий алоқаларнинг узилиши, руҳий сиқилиши тушунилади. Агар бу 16 ҳафтагача давом этса 1.000 фунт стерлинг миқдорида маънавий зиён ундирилади, 26 ҳафтагача 4.000, 26 ҳафтадан кўп бўлса 7.500, доимий бўлганда 20.000 фунт стерлинг ундирилади.

Францияда меҳнат лаёқатини йўқотиш ҳолатлари учун энг юқори сумма, яъни бир ой учун 600 евро белгиланган. Бошқа ҳолатларда маънавий зиённи қоплаш миқдори суд томонидан зиённинг оғирлик даражаси ва жабрланувчининг ёшидан келиб чиқиб аниқланади[11].

Маънавий зиён миқдорини аниқлаш бўйича юқорида келтирилган методлар ҳамда хорижий давлатлар амалиёти таҳлилидан келиб чиқиб, маънавий зиён етказилиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳамда ҳуқуқбузарлик турлари учун бир хилдаги мезонлар ва методикани қўллаш мумкин эмас деган хulosага келиш мумкин. Шу сабабли маънавий зиён компенсациясида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг айрим турлари учун миқдорни аниқлашда жабрланувчи соғлиғининг тикланиши ёки у билан боғлиқ турли айбловларнинг олиб ташланиши учун алоҳида метод ҳамда маънавий зиён этиши мумкин бўлган алоҳида методни таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, соғлиққа шикаст етказилиши натижасида вужудга келган маънавий зиён учун соғлиқни тиклаш учун кетган ҳар бир кунга базавий ҳисоблаш миқдори баробарида тоғон пули тўлаш ёки реаблиатация қилинганларга ҳар бир ноқонуний ушлаб турилган кун учун

базавий ҳисоблаш миқдорида, лекин унинг энг юқори суммаси ушбу миқдорнинг уч минг баробарида белгиланиши мумкин. Маънавий зиён етказилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларга нисбатан эса фуқаролик қонунчилигида белгиланган маънавий зиён компенсацияси миқдорини аниқлашнинг умумий асослари ва қоидалари қўлланилади. Бу ўринда миллий судлар томонидан реабилитация қилинганларга етказилган маънавий зиён компенсацияси миқдорини белгилашда аниқ бир механизмлар мавжуд эмаслиги кўзга ташланади. Масалан, фуқаро Т.га суднинг ноқонуний ҳукми сабабли 5 йилу 9 ой муддат давомида айбизиз бўла туриб қамоқда ўтирганлиги учун 15 млрд сўм сўралгани ҳолда унга 200 млн. сўм миқдорда товон пули ундириб берилган бўлса[12], фуқаро Р.га суднинг ноқонуний ҳукми сабабли 9 йилу 6 ой муддат давомида айбизиз бўла туриб қамоқда ўтирганлиги учун сўралган 6 млрд сўм сўралгани ҳолда унга 300 млн сўм ундириб берилган[13].

Шу ўринда маънавий зиённи аниқлаш ва уни компенсация миқдорини белгилашга нисбатан ривожланган давлатлар амалиётида шаклланган яна бир методикага эътибор қаратиш лозим. Хусусан, маънавий зиённи етказишида унинг етказувчининг айби шакллари: қасд ёки эҳтиётсизлик инобатга олиниши, бунда қасд учун зарарни қоплаш “жарима” сифатида белгиланиши, эҳтиётсизлик учун эса маънавий зиён товон пули сифатида ундирилиши назарда тутилади. Миллий қонунчилиқда эса маънавий зиённи аниқлаш ва уни компенсация миқдорини белгилашга нисбатан бундай ёндашув мавжуд эмас. Шу сабабли миллий қонунчилик маънавий зиёнга нисбатан қоидаларни умумий тарзда шакллантирган ва асосий, ҳал қилувчи ўринни ҳуқуқни қўлловчи, яъни судьяларга берган. Бу эса ўз навбатида, амалиётда маънавий зиён миқдорини аниқлашга нисбатан турлича ёндашувларга сабаб бўлмоқда. Ушбу муаммонинг ечими сифатида эҳтиётсизлик натижасида етказилган маънавий зиён компенсацияси товон пули сифатида ҳар бир вазиятдан келиб чиқиб суд томонидан амалдаги қонунчилик талаблари асосида аниқланиши, қасд натижасида вужудга келганида эса “кучайтирилган” жавобгарлик миқдорини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг маънавий зиёнга доир қарорида ўз аксини топиши зарур.

Литературы/References/Adabiyotlar:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. 1. А-Д / Тахрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. Б.: 50.
2. Ўша жойда. Б.: 286
3. Ўша жойда. Б.: 401.
4. Ўша жойда. Б.: 362.
5. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди архиви материаллари 2023 йил.
6. Романов В.С. Моральный вред как институт гражданского права: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2006. – 24 с.
7. Оқюлов О.Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 307-б.

8. Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда: анализ и комментарий законодательства и судебной практики. – 3-е изд., испр. И доп. – М.: Волтерс Клювер, 2004. Стр. 208-215
9. Кашин В. Оценка морального ущерба в РФ. Юридическая практика. Выпуск №22 (284). <https://pravo.ua/articles/ocenka-moralnogo-ushherba-v-rf>
10. Методические рекомендации по определению размера компенсации морального вреда при посягательствах на жизнь, здоровье и физическую неприкосновенность человека. Разработана Специальной Комиссией Ассоциации юристов России. <https://zakon.ru/blog/2020/03/24/>
11. Козлова А. Моральный ущерб: на Западе присуждают миллионы, а в России – гроши. / Комсомольская правда. 22.10.2018г. <https://www.kp.ru>
12. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2020 йилдаги архиви материаллари. 2-1001-2005/1045-сонли фуқаролик иши
13. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2020 йилдаги архиви материаллари. 2-1001-1947/51798-сонли -сонли фуқаролик иши.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Nº 6 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
маъсулити чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).